



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№9 (39) 28.02.2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида

Дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан мусиқа оламининг йирик форуми сифатида эътироф этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг нуфузини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) **ун иккинчи мартга 2019 йилнинг 26-30 август кунлари** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. **Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий кўмита**(кейинги ўринларда – Ташкилий кўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Фестивални ўтказиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ташкилий кўмита (А.Н.Арипов) Фестивални 2019 йилда юқори савияда ўтказиш мақсадида: икки ҳафта муддатда “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; 2019 йил 1 апрелга қадар Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини тасдиқласин;

Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Фестивалга маҳаллий ва хорижий давлатлардан мусиқашунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонларни таклиф этиш чораларини кўрсин;

Фестиваль доирасида “Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши, унда хо-

рижлик ва маҳаллий таниқли мусиқашунос олим ва мутахассислар ҳамда тадқиқотчиларнинг ўз маърузалари билан иштирок этишларини таъминласин; Фестиваль нуфузини янада ошириш, дунё жамияти эътиборини Ўзбекистон мусиқа маданиятига жалб қилиш мақсадида Фестиваль доирасида хорижлик мутахассислар иштирокида махсус давра суҳбати, тақдирот ва маҳорат дарсларини ўтказсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Фестивалга тайёргарлик кўриш доирасида 2019 йил 1 июнга қадар:

халқаро илмий-амалий конференция дастурини;

Фестивалда иштирок этадиган хорижлик ва маҳаллий мусиқашунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини;

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийси ҳамда бадиий дастурларини;

Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси билан биргаликда Фестивалнинг логотипи ва совриндорлар учун бериладиган хайкалчаси лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ташкилий кўмитага тасдиқлаш учун киритсин.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда


Пресс-тур:

“Ичан қалъага саёҳат”



4-саҳифада >>

“Катта Лангар Куръони”



8-саҳифада >>

“Чимилдиқ” — яна саҳнада



8-саҳифада >>

Ўз халқининг бийрон тили



5-саҳифада >>

Айблашдан олдин вазиятга тўғри баҳо берапмизми?



3-саҳифада >>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбек миллий мақом санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, унинг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбига санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш, жаҳон жамиятида мақом санъати нуфузини янада ошириш, шунингдек,

навбатдаги Халқаро мақом санъати анжуманига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни юсак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белги-

ланган Халқаро мақом санъати анжуманини (кейинги ўринларда Анжуман деб юритилади) **иккинчи мартга 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида** ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-саҳифада >>

Донлар сузлайди...

Муаллифи фақат айтилиши лозим гапларни лозим даражада айта олган китобларгина яхши китоб дир.

Арасту

Донишмандлик ҳақиқатни сўзламоқ ва табиатга қулоқ тутиб, унга бўйсунмоқликдан иборатдир.

Буқрот

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмади.

Абу Райҳон Беруний

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида

8. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ташкилий қўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қуйидаги тартибда:

70 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг харажатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йили назарда тутилаётган бюджет маблағлари доирасида;

30 фоизи – Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети, ҳомийлик хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

9. Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2019 йил 20 июлда қадар Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Фестиваль ўтказиладиган саҳна ва майдонлар талаб даражасида тайёрланишини

таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд шаҳри телекоммуникация тармоқларини Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш талабларига мослаштириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Фестивалга ташир буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг виза талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йигимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари ташкилотлари ҳамда марказлари билан мун-

тазам равишда ижодий ҳамкорлик ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига 2019 йил 1 майдан бошлаб Фестивални кенг тарғиб этишга қаратилган ижтимоий реклама роликлари ва матнларини телевидение ва бошқа ахборот воситаларида жойлаштириш ҳамда Фестивални ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги уч ой муддатда маданият ва санъат соҳасидаги халқаро фестивал ва анжуманларни юқори савияда ўтказиш ва бундай тадбирларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-103-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-3656-сонли қарори билан тасдиқланган **Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитага** қуйидаги вазифалар юклансин:

Анжуманга тайёргарлик кўриш ишларини 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўтказилиши режалаштирилаётган Анжуманнинг аниқ саналарини 2019 йилнинг декабрь ойига қадар белгилаш; 2019 йил 1 апрелдан бошлаб республика ва жаҳон миқёсида Анжуман тарғиботини ташкил этиш, унинг доирасида ўтказиладиган танлов шартлари ва илмий-амалий конференция мавзусини эълон қилиб бориш;

2020 йил 1 июнга қадар республиканинг худудларида мақом ансамбллари-нинг концерт дастурлари, “**Еш мақом ижрочилари**”, бастакорлар ўртасида “**Мақом йўлида яратилган энг яхши асар**” каби номинациялар бўйича республика танловлари ҳамда таниқли мақомшунос олимлар, тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиб бориш;

2020 йил 1 августга қадар Анжуман доирасида “**Мақом санъатини ривожлантириш истиқболлари**” мавзусида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, Анжуманда ишти-

рок этадиган хорижий ҳамда маҳаллий мусикашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш;

Шаҳрисабз шаҳридаги **Мақом музейини** ушбу санъатга оид тарихий, илмий-ижодий манбалар, қадимий ва замонавий қолғу асбоблари ва бошқа янги экспонатлар билан бойитиш чораларини кўриш;

Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ўзбек миллий мақом санъати маркази Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2020 йил 1 апрелга қадар Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги: икки ой муддатда Шаҳрисабз шаҳрида Анжуманни ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотлари ва ижтимоий объектлар барпо этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

2020 йилнинг 1 августига қадар Шаҳрисабз шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Анжуман ўтказиладиган саҳна ва майдонларнинг талаб даражасида тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси би-

дан биргаликда Шаҳрисабз шаҳрининг туризм салоҳиятини ошириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилнинг март ойига қадар замонавий сервис хизмати кўрсатиш имкониятларини ўзида жамлаган, барча қулайликларга эга замонавий бинолар, хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, меҳмонхоналар қурилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2020 йилнинг август ойига қадар Шаҳрисабз шаҳри телекоммуникация тармоқларини Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш талабларига мослаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Шаҳрисабз шаҳри туризм инфратузилмаларини ривожлантириш мақсадида кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин, шунингдек, хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйсин;

Қашқадарё вилояти ва мақом санъатининг туризм соҳасидаги реклама-ахборот тарғиботини амалга оширсин; меҳмонхона сервис хизматчилари ва гидларнинг сифатли фаолиятини ташкил этсин.

7. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги

ўз тизими учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 2020 йил 1 апрелга қадар таниқли мақомшунос олимлар, мақом бастакорлари ҳамда ҳофиз ва созандаларининг ибратли илмий, ижодий фаолияти тўғрисида туркум ҳужжатли фильмлар яратсин ва уларнинг намоишини ташкил этсин.

8. Ўзбек миллий мақом санъати маркази Анжуманни бадиий ва ижодий жиҳатдан юқори савияда ташкил этиш мақсадида Ўзбек мақоми ва бошқа халқларнинг турдош мусиқа жанрларини қамраб олган хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари ташкилотлари ҳамда марказлари билан мунтазам ижодий ҳамкорлик ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур фармойишининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 февраль

» Вазир қабули

Мурожаатлар этиборсиз қолмайди



» Муҳокама, мулоҳаза...

Айблашдан олдин вазирга тўғри баҳо бера оляпмизми?

Навоий вилоятидаги ихтисослаштирилган маданият мактаби ётоқхонасида юқори синфларда ўқийдиган икки нафар бола тўққизта ўқувчини муштраб жазолагани тасвирланган видео ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Бу воқеа юртимизда фаолият олиб бораётган мустақил интернет нашрларининг ҳам этиборидан четга қолмади. Бу бежиз эмас, албатта. Мактаб ётоқхонасида ўқувчиларга ўзбошимчилик билан жазо бермоқчи бўлган ўқувчиларнинг хатти-ҳаракати воқеадан хабар топган кўпчиликда норозилик уйғотди. Мустақил интернет нашрлари эса бўлиб ўтган воқеадан мактаб раҳбарияти жуда кеч — бир ҳафта ўтгачгина хабар топгани, ўша вақтнинг ўзида ҳолат юзасидан тегишли органларга хабар берилмаганини, бунинг устига, ётоқхонадаги ҳолатга масъул шахсларга нисбатан фақат хайфсан бериш, зўравонларга эса тушунтириш хати ёздириш билангина кифояланганини танқид остига олишди. Уларнинг барчаси мактаб раҳбариятини ўз ишига совуққонлик билан қарашда айблашди.

Келинг, кўпчиликнинг диққат-этиборида бўлган ушбу воқеани қисқача эслатиб ўтамиз. 2018 йилнинг 14 октябрь куни кечки пайт мактаб ётоқхонаси учун масъул бўлган Сулаймон Кўчқоров ўқувчилар орасидаги тартиб-интизомни таъминлашга жавобгар 3-босқич ўқувчиси Азиз Сувоновни олдига чақирган ва 305-хона эшигини ким синдириганини аниқлашни топширган. Ётоқхона сардори Азиз Сувонов шерохи Хусниддин Хонқоқов билан ётоқхонадаги тўққиз ўқувчини йиғиб, эшикни ким синдириганини сўраган. Улардан қониқарли жавоб ололмагач, болаларнинг барчасини уриб, кўкрак қисмларига мушт туширган. Воқеани ўқувчилардан бири яширин тарзда видеотасвирга тушириб олган...

2019 йилнинг 19 февраль куни Навоий вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Н.Ниязовнинг маскур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаевга жўнатган хатида айтилишича, мактаб худудида 300 ўринли ётоқхона бор. Тумanning олис жойларидан келиб таълим оладиган ўқувчиларга мўлжалланган ётоқхонада бугун 228 нафар ўқувчи (шундан 102 нафари ўғил бола, 128 нафари қиз бола) яшайди. Мактаб маъмурияти томонидан назорат гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар навбатчилик асосида ётоқхонада назорат олиб боришади.

Ушбу хатта илова қилинган 26 октябрь кунги йиғилиш баённомасида айтилишича, воқеа юз берган кунлардан олдин ётоқхонанинг йиғилар истиқомат қиладиган 3-каватида кетма-кет равишда хоналарнинг эшиклари синдирилган, ҳожатхоналардаги айрим жиҳозлар ярқосиз ҳолатга келти-

рилган, қулфлар бузилиб, хоналарга сўроқсиз кирилган. Бу ҳолат юзасидан тарбиячилар қават сардорларига қайта-қайта танбехлар берган. Ётоқхонадаги тартиб учун масъул икки ўқувчининг тенгдошларини юқоридаги кўринишда жазолашга ҳам мана шу ҳолатлар сабаб бўлган.

Илова қилинган тушунтириш хатларидан бири айнан мактаб директорига тегишли. Унда "Бу ҳолат бўйича эртаси кунийек тарбиячи ва А.Сувоновлардан тушунтириш хати олинди" деган жумлалар бор. Демак, мактаб директорини воқеадан бир ҳафта ўтгач хабар топганликда айблаган нашрлар бир оз адашган кўринади. Эҳтимол, директорнинг ўзи икки манбага турлича маълумот бергандир... Аммо у маскур иш ҳақида ўз вақтида тегишли ҳуқуқий органларга хабар қилмагани — ҳақиқат.

Бошқарма юборган хатда ҳам мактаб директори масалани ички тартибда муҳокама қилиб, мактабнинг ётоқхона тарбиячиси Сулаймон Кўчқоровга ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани учун интизомий жазо — хайфсан бергани маълум қилинган.

Бошқарманинг хатига илова қилинган яна бир тушунтириш хатини кўздан кечиришимиз: "Чамаси 22.00 да Сулаймон Кўчқоров (ётоқхона тарбиячиси — таҳрирчи) мажлис ўтказди. Шунда талабалардан эшикни ким синдиригани сўралди. Ҳеч ким жавоб бермади. Шунда Сулаймон Кўчқоров бизга бир соат вақт бериб, пастга тушиб кетдилар..."

Хатдан кўриниб турибдики, масъул тарбиячи қондабузарларни топа олмаган ва бу ишни ўқувчиларга топширган. Юқоридаги ҳолатнинг юзага келишига унинг ўқувчиларга "бир соат вақт бериш" шартини

23 февраль куни Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Унда 10дан зиёд аҳоли вакиллари турли масалалар бўйича мурожаат этишди. Дастлаб Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромованинг уй-жой бўйича мурожаати тингланди. Вазир тегишли бошқарма бошлиқларига ушбу масалани ижобий ҳал

қилиш борасида топшириқлар берди.

Феруза Абдурахимованинг Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыкали драма театрида жонли концерт қўйиш таклифи ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Шунингдек, ихтисослиги бўйича иш билан таъминланиш ва бошқа шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилган фуқароларга ҳам тегишли тартибда кўрсатмалар берилди.



қўйгани сабаб бўлмадимикин, деган ўринли савол туғилади. Ваҳоланки, ётоқхонадаги жиҳозларнинг синдирилиши билан боғлиқ тартибсизликнинг ўзи тегишли органларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга асос бўла оларди. Эҳтимол, шунда айбдорни топиш осонроқ ҳам бўларди. Бу ётоқхонадаги назоратга масъул шахсларнинг ўз ишига совуққонлик билан қарагани ёхуд лоқайдлигига яққол исбот, дейишдан ўзга чорамиз йўқ.

Тўғри, зўравонлик туфайли ҳеч кимнинг қў-оғи синмаган, жиддий жароҳат олманган, бу жиҳатдан қаралса, воқеа бу қадар шов-шув қилишга арзигулик эмасдек туюлади. Аммо, ҳар қандай катта жиноятларнинг ортида мана шу каби майда қондабузарликлар туришини назардан қочирмаслик керак. Ахир қачонгача кимдир жабр кўрсатгани чора кўришга шошамиз? Қачонгача фақат қўлимиздаги қоғозларни тўлдириб ва "юқори"га ҳисоб бериш учунгина ишлаймиз? Навоийда юз берган ҳолат ҳам айнан мана шундай иш тарзининг, ўз касбини ҳурмат қилмаслик, яхши кўрмаслик ва ҳўжа кўрсинга ишланнинг оқибати эмасми? Агар масъуллар ўз ишини яхши кўрганларида, ётоқхонада тартибсизликлар содир бўла бошлаганидаёқ, айбдорларни ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари ёрдамида топшига уринишарди. Қолаверса, ўқиб туфайли ота-онасида узоқда, мактаб ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларга нисбатан зўравонларча муносабатда бўлиш шахснинг ҳуқуқларини поймол қилиш эканлигини, қонунларимизда бунга ҳатто жазо тайинланганини ўқувчиларга айнан улар тушунтиришлари ло-

зим эди.

Интернет тармоғида видеотасвир тарқалгач, воқеа юзасидан суриштирув ўтказган он-лайн нашрлар эса асосий этиборни негандир мактабда олдиндан содир бўлиб келган тартибсизликларга эмас, ўша куни рўй берган воқеага қаратишга уринганлар. Ўқувчиларни ўзбошимчилик билан жазолаш олдиндан давом этиб келаётган бошқа тартиббузарликларнинг фош этувчи нуқтаси бўлди, холос. Яъни у мактаб раҳбариятининг назорат ва давлат мулкани асраб-авайлаш, шахс эркинликлари ва ҳуқуқлари бўйича тушунтириш ишларини олиб боришда хатога йўл қўйганларига яна бир исбот.

Энди масала фақат тушунтириш хатлари билангина яқун топмаслиги аниқ: айни пайтда Навоий шаҳар ИИБ томонидан маскур воқеа юзасидан тергов-гача текширув ишлари кетаётгани, текширув натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиниши маълум қилинди.

Сўнгсўз ўрнида бир ҳикमत ёдимизга тушди: болалар аксимиз — улар ўзимиз ҳам қаердандир ўқиб, ёдлаб олган насиҳатларимиздан эмас, бажарётган амаларимиздан ибрат олишади. Яъни улар қилаётган ишларга қараб, ўзимизнинг хатоларимизни кўришимиз мумкин. Улар хатоларимизни такрорлаб, бизни уялтириб қўймадиклари учун эса нафақат ота-оналар, балки устозлар ҳам ёшларга амалда ибрат бўла олишса, фойдадан холи бўлмасди. Зеро, қондабузарликлар жавобгарликка сабаб бўлишини ҳаммамиз биламиз. Ва унутмайлик: ҳеч қандай қондабузарликни бугун кенг жамоатчилик назоратидан яширишининг иложи йўқ!

Муҳаббат ШАРИФОВА

» Қисқа сатрларда

23 февраль куни Ю.Ражабий номидаги Жиззах вилоят музыкали драма театрида ўтказилган "Баҳор тароналари" мавзусидаги энг яхши ва янги асарлар анъанавий вилоят кўрик-танловида Фориш туман бадий жамоаси фаол иштирок этди. Низом талаблари асосида тайёрланган томоша дастурига ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳо бердилар.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, "Бордон гуллари" фольклор этнографика халқ ансамбли ижросидаги "Дервишона" маросими ва "Халқ ўйинлари" дастури фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Ш.ҚўНИШЕВ

Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани маданият маркази "Наврўз яллеси" кўрик-танлови учун тайёргарликларни бошлади. Бадий раҳбар А.Тўлашев бошчилигида маданият маркази ижодий ходимлари Наврўз тарихи ва миллий анъаналаримизни кенг ёритиб беришчи чиқишлар ва сахна кўринишларини тайёрлашди.

21 февраль куни Андижон вилоят Маданият бошқармаси тасаруфидидаги Қўрғонтепа туман 4-БМСМда халқ чоғулари бўлинмаси оркестр синфи ўқитувчиси Х.Сотволдиевнинг оқибатини ўтказилди.

22 февраль куни эса маскур мактабда таникли ўзбек эстрада хонандаси Баҳром Назаров билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда мактаб ўқитувчиси ва ўқувчилари билан бирга туман маданият бўлими ходимлари, ота-оналар ҳам қатнашишди.

Хонанда анъанавий хонандалик синфи ўқувчиси Дирёрбек Муҳаммаджонов билан А.Навоий ғазали асосида айтиладиган "Жунун водийси" ашуласини бирга куйлади. Шунингдек, ўз кўшиқларидан ҳам тақдим этиш билан бирга ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Тадбир сўнигида 4-Болалар музыка ва санъат мактаби директори Б.Тошпўлатов хонандага миннатдорчилик билдирди.

Самарқанд вилоят музыкали драма театри жамоасининг бир гуруҳ актёрлари Тойлоқ туманига ижодий сафар уюштиришди. Ушбу сафар чоғида жамоа туман марказидаги музыка мактаби фаоллар асади драматурги Х.Холиқов сари асосида сахналаштирилган "Бир ўлиб кўрай-чи" комедиясини намойиш этди.

Тадбир

“Ватан мадҳи — юксак қадрият”



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ижодкор ёшлар билан ишлаш ва оммавий маданий тадбирларни ташкил этиш бошқармаси бошчилигида “Ватан мадҳи — юксак қадрият” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда таниқли шоир ва ёзувчилар, театр ва кино актёрлари, эстрада хонандалари фаол қатнашишяпти.

Мана шундай кеча 22 февраль куни Тошкент давлат стоматология институти қошидаги академик лицейда ҳам бўлиб ўтди. Унда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Одина Нарзуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарход Худойбердиев, шоир Нуриддин Аминжон ҳамда актриса ва эстрада хонандаси Шохрузалар иштирок этишди.

Ташриф



Маданият вазири Наманган вилоятида

Наманган вилоятидаги тизим ташкилотлари, айниқса, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ва маданият марказларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ўрганиб, ҳал этишга қаратилган ташриф Наманган вилоятининг 5-БМСМ фаолиятини ўрганишдан бошланди. Б.Сайфуллаев ушбу таълим муассасасидаги синфхоналар ҳолатини кўздан кечириб, ўқувчи-ёшлар учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, самарали таълим жараёнини ташкил этиш борасида тавсиялар берди.

Шундан сўнг вилоятдаги маданият марказлари фаолиятлари кўздан кечирилди. Хусусан, Янгиқўрғон тумани Маданият марказида мавжуд шарт-шароитлар билан яқиндан танишган вазир бугунги кун талабига жавоб бера оладиган инновацион технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришни таъкидлади.

Ташриф давомида “Кўк ёр” Маданият маркази қошидаги тўгарак аъзоларининг бадиий чиқишлари тингланди.

Янгиқўрғон туманидаги 17-Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлган Б.Сайфуллаев муассасанинг ички ва ташқи имкониятларини кўздан кечирди.

Маданий ҳамкорлик давом этади



Маданият вазирлигида Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирининг маслаҳатчиси Бекир Карлига бошчилигидаги делегация кутиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков ва Б.Карлига ўртасида олиб борилган музокара чоғида буюк алломаларимиз — Ибн Сино, Беруний ҳақида ҳужжатли фильм суратга олиш ва ташкилий масалалар муҳокама этилди. Учрашув давомида ҳар икки томон ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

4 мартга қадар мамлакатимизда бўладиган делегация аъзолари пойтахтда фаолият юритаётган бир қанча ташкилотлар раҳбарлари билан учрашдилар. Сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳат қиладилар.

Маҳбуба КАРИМОВА

Пресс-тур

Ичан қалъага саёҳат

26-27 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташаббуси билан илк бор оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Хоразм вилоятидаги муқаддас қадамжолардан бири — Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси бўйлаб пресс-тур уюштирилди.

ОАВ вакиллари Ичан қалъа музейининг директори Шоназар Матёқубов ҳамроҳлик қилди. Унинг айтишича, музей-қалъага 2018 йилда 60 мингдан зиёд сайёҳ ташриф буюрган ва йиллик тушум 6 миллиардни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2019 йилда янада ошиши кутилмоқда.

Эътиборлиси, Ичан қалъадаги музейлардан бирига замонавий назорат ускунаси — турникет ўрнатилди. Буянги лойиҳа сайёҳ ҳақидаги барча маълумотларни сақлаш, керакли пайтда унинг турган жойини аниқлаш имконини беради.

Ш.Матёқубов айни пайтда музейнинг зах туфайли нураётган жойлари борлигини, келгусида уларни ЮНЕСКО ташкоти билан маслаҳатлашган ҳолда реставрация қилиш режалаштирилаётганини маълум қилди. Унинг айтишича, Ичан қалъадаги энг баланд мино-

ра чўққисининг ички деворига маҳаллий сайёҳлар томонидан етказилган зарарлар — турли расмлар, ёзувлар чизиб кетилгани туфайли назоратга масъул ходимларга чора кўрилган ва девор қайта таъмирланган.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари қадимий тилла тангалар музейини ташкил этиш жараёнидаги амалий ишлар билан ҳам танишишди. Директорнинг айтишича, бу музей ҳам яқин яқунларда иш бошлайди. Ичан қалъанинг ичида истиқомат қилиб келаётган 400та хонадон эгаларига эса ўз уйларини мўъжаз туристик меҳмонхонага айлантириш учун кенг имкониятлар таклиф қилинган.

Меҳмонлар, Ўзбек-туркман дўстлиги уй музейи шунингдек, Саид Аловиддин мақбараси, Муҳаммад Раҳимхон зиёратгоҳида ҳам бўлишди.

Абдуқодир МЎМИНОВ

Маҳорат дарслари

Устозлар билан юзма-юз





19 февраль куни Президентимиз Сирдарё вилоятига қилган ташрифиди ёшлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Вилоятнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларида ушбу ташриф давомида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Гулистон, Ховос туманларидаги болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига Тошкент шаҳридан

таниқли санъаткор ва спорт усталари ташриф буюриб, тарбияланувчиларга маҳорат дарсларини ўтишди.

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков ҳам Сирдарёдаги 5-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, ўқувчилар билан яқиндан суҳбатлашди. Ташриф давомида ўқувчиларга мусиқа созлари ва китоблар тўплами совға қилинди.

20 февраль куни Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги



18-БМСМга Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Сойибжон Бегматов ҳамда марказнинг “Устозшогирд” бўлими ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Матназар Матёқубовлар ташриф буюриб, маҳорат дарсларини ўтишди.

Дарсларда Эллиққалъа, Беруний, Тўрткўл туманлари Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Учрашув

Дилларга жо бўлган мумтоз наволар



21 февраль куни Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги 3-Болалар мусика ва санъат мактаби ҳамда Навоий давлат педагогика институтида Ўзбек миллий мақом санъати марказининг «Устоз-шогирд мактаби» бўлими ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси-

да хизмат кўрсатган артист Аҳмадjon Дадаев ҳамда марказ бош администратори Шохрух Раббимқуловлар иштирокида «Дилларга жо бўлган мумтоз наволар» деб номланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирга таширф буюрган меҳмонлар, талабалар,

ўқувчи ёшлар устоз санъаткорнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишишди. Шунингдек, жонли ижродаги мақом кўшиқлари ва санъатнинг бу йўналиши ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан баҳраманд бўлишди.

Бахшичилик



Ўз халқининг бийрон тили

Ўзбек халқ оғзаки ижодида дostonлар авлодлар дунёқарши ва педагогика оламининг кўзгуси бўлиб, комил инсонни тарбиялашда ўзига хос бебаҳо кадрлардан бири ҳисобланади. Зеро, халқ дostonлари қаҳрамонларининг саргузаштлари, уларнинг қийинчиликларни енгиб, ҳар жиҳатдан чиниқиб бориши ҳар бир ёш учун ибратдир. Дostonлар халқнинг ўзлигини, тилини, урф-одатларини, қадрият ва анъаналарини ифодаб берувчи кўзгудир.

«Ўзбек миллий дostonчилик эса ушбу жабҳадаги умумтуркий маданиятнинг ёрқин ва ўзига хос бир бўлагидир. Зеро, қадимий ва барқарор дostonчилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи маънавий бисотида мазмунан баркамол, шаклан ва услубан хилма-хил асарлар, ҳар бирида олам-олам бадий кадрлар, ижодий бойликлар миллий мерос сифатида эъзозланиб, салмоқли равишда адабий-мусиқий қатламни ташкил этади», — дейди Б.Матёқубов ўзининг «Дoston наволари» китобида.

Дostonларда эзгулик, озодлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби инсоний ғоялар маҳорат билан тараннум этилади ва инсонни ҳамиша маънавий камолот сари етаклайди.

Турк халқларида дoston айтувчилари қадимда ўзан (ўзан, ўзмаг-ўзиб кетмак, олдинда борувчи, ақли шоир) деб юритилган. Ҳозирги кунда эса халқ дostonлари ижрочиларига нисбатан бахши атамаси қўлланилади. Тасаввур этиш мумкинки, асрлар давомида яралиб, ривожланиб, сайқал топиб бизгача етиб келган дoston ижодиёти ва намуналари сўз, овоз ва соз муносабатларининг муштарак мумтоз кўринишидир. Шарқ, жумладан, туркий халқларнинг ўзанлари, ровийлари, бахши, шоир ва дoston-

тончилари ана шу муштараклик таркибдаги ҳикоя, наср бўлимларини бадий ифодали нутқ тарзида, назм парчаларини эса ўзига хос қолғулар жўрлигида куйга солиб айтганлар. Бундай асарлар «дoston» деб айtilган.

Профессор Абдурауф Фитрат таърифи: «Турк мусиқасининг бизда қолган энг бурунги сўзлари бахши, ўзан, кўбюз сўзларидир. Бахши сўзининг бурунги маъноси эл шоири, қолғучисидир. Эл орасида кўбюз ё дўмбира чалиб, дostonлар ўқиб юрган кишилар шоир, қолғучилар бор, биз шуларга бахши деймиз. Холбуки Навоий замонида бу сўз уйғурча ёзгон котиб маъносида ишлатилар эди».

Дostonларни мавзу юзасидан шартли равишда баҳодирлик-қаҳрамонлик, тарихий, диний, ишқий ва ахлоқий, тарбиявий (дидактик) турларга таснифлаш мумкин. Шартлилиги шундаки, маълум бир дoston муайян тарихий даврни, қаҳрамон қиёфасини, унинг баҳодирлик юришлари, ишқий саргузаштлари ва бошқа жиҳатларини ўзида мухассамлаштирган бўлади.

Дostonларнинг баҳодирлик ва қаҳрамонлик турларига Широқ, Тўмарис ва Зарина каби фидокорларнинг ботирлиги, жасорати тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, «Ал-помош», «Ёдгор», «Тўрўғли», «Соҳибқирон» каби дoston-

лар киради.

Тарихий дostonлар маълум бир давр, йирек шахс ҳаёти билан боғлиқ тарихий аҳамиятга молик воқеалар асосида яратилган. «Искандарнома», «Шайбонийхон», «Шоҳ Машраб» кабилар шулар жумласидандир.

Ишқий мавзудаги дostonлар халқ орасида энг кўп тарқалган бўлиб, бахшилар томонидан севиб ижро қилинади. Ушбу турдаги дostonлар сон жиҳатидан бошқаларидан сезиларли даражада ортиқ. Ишқий дostonларда ошиқ-маъшукларнинг ишқий саргузаштлари муболагали, эртакнамо тарзда баён этилади. «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Албанд» кабилар ишқий дostonларнинг ёрқин намуналаридир.

Дарҳақиқат, дostonчиликнинг турли хил мактаблари, услублари, характерли бўлмасин, барчаси инсонни юксакликка, мураккаб ҳаёт йўлларида қоқилмасдан, қийинчиликлар олдида бўйин эгмасдан олға юришга, халқни севишга, мукамал тарбия эгаси бўлишга ундайди. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Бахшили эл — яхшили эл» деб, бахши шоирларимиз номини улуғлайди.

Маржона ТОШЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси ўзбек мусиқа ижрочилиги факультети 3-босқич талабаси.

Ўзбекистон — ватаним маним

Рақсларда акс этар ҳаёт

23 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ва Ўзбекистон Давлат филармонияси ҳамкорлигида «Туркистон» санъат саройида «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг икки қисмдан иборат концерт дастури намойиш этилди.

«Ўзбекистон — ватаним маним» ва «Буёқ ипак йўли» деб номланган назм ва наво, рақс кечасида миллий маданиятимизнинг бетакрор санъат тури — рақслар гулдастаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон халқ артистлари Исаҳор Оқилов, Мукарама Турғунбоева ва бошқа балетмейстерлар саҳналаштирган жозибали рақслар ансамблининг бадий раҳбари Қодир Мўминов бошчилигида ҳамон саҳнадан тушмай, халқимиз ва хорижлик мух-

лисларига завқ-шавқ улашиб келмоқда. Ўзига хос санъат байрамига айланган ушбу кечада ансамлда ижод қилган таниқли ашула ва рақс усталари — Мехри Абдуллаева, Холисхон Қодирова, Ғофир Азимов, Қундуз Мирқаримова, Дилором Шерованинг касб маҳоратлари эътироф этилди.

Тадбир доирасида санъатшунос Г.Мусаева ҳамда Е.Қори Ёқубовларнинг фото кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

С.ЭШМАТОВА.

Ҳисобот концерти

Миллий оҳанглар сарчашмаси



2019 йил 21 февраль куни Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабининг катта концерт залида «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг йиллик ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Тадбирда кафедра ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этиб, халқ ижодиёти, мақом ва бастакорлар ижодидан энг сара намуналарни ижро этдилар. Концертда Бузрук макомининг мушқилот қисмидан «Сақили Султон» куйи, Нодира ғазали билан Бузрук макомидан «Уфори Узол», Чархий ғазали билан «Кириб бўстонни кездим» ашуллари, атоқли бастакорлардан Тўхтасин Жалилов ҳамда Фахриддин Содиковларнинг сара асарлари ҳам ижро этилди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан Фарғона-Тошкент мақом йўллари хос ашуллалар куйланди.

Кафедрадаги Ҳамидахон

Ҳасанова раҳбарлик қилаётган фольклор ансамбли ҳам халқ кўшиқларидан иборат термаларни тингловчилар эътиборига ҳавола этишди. «Тановар» куйини ўқувчилари билан бирга ижро этган ёш иқтидорли ўқитувчи Улуғбек Қошимовнинг ўзига хос тажриба-синови тингловчилар эътиборини қозонди.

Концерт дастуридан ўрин олган асарларнинг аксарият қисми мураккаблик даражаси ўта юқори бўлишига қарамай, ижрочилар уларни аъло даражада тингловчиларга еткази олдидлар. Бу албатта кафедра мудири, тажрибали мутахассис Қаҳрамон Умаров бошчилигидаги устозларнинг самарали меҳнатлари натижасидир.

У. МАМАЖОНОВ,
Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси

Таъзия

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Мардон Мавлоновга онаси Мақтов ая АКРОМОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади ва чуқур ҳамдардчилигини билдиради.



Шафқатсиз ўлим маҳоратли педагог, юзлаб шогирдларнинг меҳрибон меҳрибон Флорида Раҳмоновна Ашуровани орамиздан олиб кетди. У 1936 йилда туғилиб, умрини 60 йилдан зиёдини Фарғона шаҳридаги 4-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ёшлар вокал сирларини ўргатишга бағишлади. Шу билан бирга болаларнинг ҳар томонлама етуқ инсон сифатида улғайишларида муносиб ҳиссасини кўшди. Флорида Раҳмоновнанинг ёрқин хотираси мактаб жамоаси ва шогирдлари хотирасида абадий сақланиб қолади.

Достончилик кечаси

Таниқли бахшилар ўқувчилар ҳузурида



Термиз шаҳридаги 22-БМСМ қошида ташкил этилган бахшичилик мактабида Омон бахши Шерназаров ва Сурхондарё воҳасидаги ягона аёл бахши — Зулхумор Шерназароваларнинг биргаликдаги достончилик кечаси бўлиб ўтди.

дан қизиқиш билан кутиб олинди. Унда Зулхумор бахши "Хондалли" достонини, Омон бахши Шерназаров эса "Исмгар" достонини ижро этиб барчанинг олқишига сазовор бўлишди.



Садоқат ТЕМИРОВА, Бахшилар мактаби ўқув-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Эълон

Аукцион савдолари хабарномаси "BEST AUCTIONS SAVDO"

масъулияти чекланган жамияти Қашқадарё филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

I. 2019 йил 29 март куни соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга Қарши "Муруват" ногирон болар учун интернет уйининг 11.02.2019 йилдаги 75-сонли буюртмасига асосан интернет ҳисобидagi қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибидa чиқарилмоқда: 1. Бошланғич баҳоси 2400000 сўм, 1987 йилда и/ч, д/р 11-93 К6А, техник ҳолати носо бўлган "УАЗ" 3152-01 рўсумли тиббий ёрдам а/в; 2. Бошланғич баҳоси 3998000 сўм, 1996 йилда и/ч, д/р 70 146 УАА, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" рўсумли энгил а/в.

12:50 да ташкил қилинадиган савдоларга Ғузор туман тиббиёт бirlашмасининг буюртмасига асосан бирлашма ҳисобидagi бошланғич баҳоси 2 626 000 сўм, 1996 йилда и/ч, д/р 70 239 QAA, техник ҳолати носо бўлган "DAEWOO SUPER SALON" рўсумли энгил (седан) а/в.

000 сўм, 2006 йилда и/ч, д/р 795 NAA, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" NBB рўсумли махсус (тиббий ёрдам) а/в.

махсус (тиббий ёрдам) а/в; 5. Бошланғич баҳоси 2955000 сўм, 1997 йилда и/ч, д/р 18 AA 701, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" рўсумли махсус (тиббий ёрдам) а/в.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 28 март куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказилади!

Аукцион савдолари Ташкент ш. Яшнобод тумани Я.Ғулумов кўчаси, 70-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 01/171SBA, бошланғич нархи 8 355 000 сўм бўлган "ТАЗ 3110" рўсумли; Ташкент ш. Юнусобод тумани Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Toshyo'lovchitransixizmat" УК балансидаги 2007 й. и/ч, д/р 01/039LBA, бошланғич нархи 19 789 700 сўм бўлган "ГБАСП ГА331105-115"; 2003 й. и/ч, д/р 01/3830BA, бошланғич нархи 23 144 400 сўм бўлган "НЕКСИЯ"; 2004 й. и/ч, д/р 01/047LBA, бошланғич нархи 17 613 100 сўм бўлган "ГБАСП МАТИЗ"; 2004 й. и/ч, д/р 01/043LBA, бошланғич нархи 8 937 100 сўм бўлган "ГБАСП ДАМАС"; 2004 й. и/ч, д/р 01/042LBA, бошланғич нархи 13 914 200 сўм бўлган "ГБАСП ДАМАС" рўсумли автотранспорт воситалари қўйилади.

2019 йил 29 март куниндаги аукцион савдоси ўтказилмаган ЛОТлар бўйича такрорий аукцион савдоси 2019 йил 05, 12, 19 апрель кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади.

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА! ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 3,0 (уч) фоизи миқдоридa комиссиясн йнгимини тўлаб беради.

Аукцион савдоси қолибга 10 кунлик муддат ичидa олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти қолатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотида шартномаси тузилганда белгиланади.

XII. 2019 йил 29 март куни соат 16:00да ташкил қилинадиган савдоларга Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ДСЭНМнинг буюртмасига асосан марказ ҳисобидagi қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибидa чиқарилмоқда:

"BEST AUCTIONS SAVDO" масъулияти чекланган жамияти Қашқадарё филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

XIII. 2019 йил 29 март куни соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси "Автоҳўжалик"нинг 27.02.2019 йилдаги 23-сонли буюртмасига асосан ҳўжалик ҳисобидagi қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибидa чиқарилмоқда:

DAEWOO" рўсумли энгил (максус) а/в; 6. Бошланғич баҳоси 2 750 000 сўм, 1997 йилда и/ч, д/р 20 426 ААА, техник ҳолати носо бўлган "Дамас NBB DAEWOO" рўсумли энгил (максус) а/в;

бий ёрдам) а/в; 9. Бошланғич баҳоси 2 558 000 сўм, 1997 йилда и/ч, д/р 20 685 ЕАА, техник ҳолати носо бўлган "Дамас STD" рўсумли махсус (тиббий ёрдам) а/в;

12. Бошланғич баҳоси 2 761 000 сўм, 1997 йилда и/ч, д/р 20 681 ЕАА, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" рўсумли махсус (тиббий ёрдам) а/в;

2019 йил 29 март куниндаги аукцион савдоси ўтказилмаган ЛОТлар бўйича такрорий аукцион савдоси 2019 йил 5, 12, 19 апрель кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади.

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА! Аукцион савдоси қолибга бўлган талабгорлар томонидан аукцион ташкилотчининг ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 3,0 (уч) фоизи миқдоридa комиссиясн йнгимини тўлаб беради.

Аукцион савдоси қолибга 10 кунлик муддат ичидa олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти қолатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотида шартномаси тузилганда белгиланади.

13. Бошланғич баҳоси 3 670 000 сўм, 2003 йилда и/ч, д/р 20 687 ЕАА, техник ҳолати носо бўлган "Дамас NBB" рўсумли махсус (тиббий ёрдам) а/в;

"Best auktion savdo" МЧЖ Қашқадарё филиали томонидан "Маданият" газетасининг 31.01.2019 йилдаги 5 (5)-сонидa берилган эълоннинг 1-ЛОТ бошланғич баҳоси 7 963 000 сўм, 2005 йилда и/ч, д/р 70 395 JAA, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" NBB рўсумли махсус (тиббий ёрдам) а/в, 2-ЛОТ бошланғич баҳоси 7 993 000 сўм, 2005 йилда и/ч, д/р 01 376 JAA, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" рўсумли энгил тиббий ёрдам а/в, 9-ЛОТ бошланғич баҳоси 6 678 000 сўм, 1997 йилда и/ч, д/р 70 042 GBA, техник ҳолати носо бўлган "Дамас" рўсумли махсус тиббий ёрдам а/в деган жумласи;

Гувоҳнома № 005357

Танлов

“Рақс сеҳри”: саралаш босқичи бўлиб ўтди

Анджон вилоят кўғирчоқ театрида “Рақс сеҳри” вилоят кўрик-танловининг саралаш босқичи ўтказилди. Миллий рақс санъатини ривожлантириш, ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш, ёшларнинг рақс санъатига бўлган қизиқишлари ҳамда иқтидорини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда вилоятдаги туман ва шаҳарлардан 200дан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Намойиш этилган рақсларга баҳо беришда раққосаларнинг техник ва бадиий ижрочилик маҳорати, сахна ҳамда кийиниш маданияти ҳам ҳисобга олинди. Натижада миллий, замонавий ва йигитлар рақси йўналишлари бўйича 16та рақс жамоаси ва 15 нафар якка ижрочи вилоят кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.



Такдимот



“Чимилдик” — яна сахнада

22 февраль куни Ўзбек миллий академик драма театрида Э.Хушвақтовнинг қайта сахналаштирилган “Чимилдик” спектакли Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадиий кенгаш ҳамда Ўзбек миллий академик драма театри Бадиий кенгаши эътиборига ҳавола қилинди.



Спектаклнинг ижодий жамоадаги ёш актёр ва актрисалар иштирок этган янги талқинига Бадиий кенгашлар аъзолари ижобий муносабат билдиришди. Натижада асарни намойиш этиш ҳақидаги қарор бир овоздан қабул қилинди.


“Чимилдик” спектаклининг янги талқини Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори, режиссёр Турғун Азизов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Маҳмудовалар томонидан сахналаштирилди. Сахна безаклари расмом, Ўзбекистон давлат арбоби Бахтиёр Тўраев томонидан ишланди. Спектаклдаги ролларни Дилбар Икромов (бош янги), Нигина Анорбоева (келин), Аваз Қодиров (куёв) ва Собир Отажонов каби кўплаб актёрлар ижро этишган. Улар орасида Гулчеҳра Иброҳимбекова, Ҳожиакбар Комилов, Фарҳод Абдуллаев, Феруза Бобоевора, Ўткир Менглиев, Шарофиддин Музропов, Зилола Набиева, Зебинисо Ҳолиқоваларни кўриш мумкин.

Спектакль 2 ва 7 март кунлари Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилади.

Ислом олами дурдонаси

“Катта Лангар Қуръони”

Қашқадарё вилоятининг Қашаши туманидаги Катта Лангар қишлоғида милодий VIII асрда кўчирилган Қуръон сақланади. У фанда “Катта Лангар Қуръони” деб аталиб келинмоқда.



1997-2001 йиллар мобайнида уюштирилган экспедициялар натижаси шунки кўрсатдики, Қуръоннинг мазкур нусхаси Ўзбекистон, Нидерландия, Франция, Россия олимлари томонидан ўрганилган. Уни биринчилардан бўлиб кўрган археолог олим М.Е.Массон дастлаб қўлёзманинг чиндан ҳам қадимий эканлигини аниқлай олмаган. Мирзо Муҳаммад Шариф ўзининг “Фихрият”ида Қуръоннинг ана шу нусхасидан олинган бир варақ кутубхонасида сақланиши тўғрисида маълумот беради. Бухородаги Муҳаммад Сиддик ибн Амир Музаффар кутубхонасида эса қўлёзманинг икки варағи сақланади.

Ўзбекистонда бу қўлёзманинг жуда оз қисми (16 варақ) сақланиб қолган. Унинг катта қисми (81 варағи) Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург филиали “Катта Лангар Қуръони” Россия мустамлақаси даврида бу фонда қориб қолган. Китобни чуқур тадқиқ этган россиялик олим, тарих фанлари доктори, профессор Ефим Анатольевич Резваннинг ёзишича, ушбу қўлёзманинг яратилиши VIII асрнинг охиригича араб грамматикаси қоидалари шаклланган даврга тўғри келади.

Машҳур шарқшунос, академик И.Ю.Крачковский ўзининг “Араб қўлёзмалари устида” китобида ушбу қўлёзма 1936 йилда институт томонидан нотаниш кекса аёлдан сотиб олинганини ёзган. Мазкур нусха матни сайқалланган ҳайвон

териси — пергаментга араб алифбосининг энг қадимий турларидан бўлган куфий-ҳижозий хатида битилган. Саҳифаларининг ўртача ҳажми 52.5x34.0 сантиметрни ташкил этган. Қўлёзманинг чарм муқоваси XIV асрга тегишли бўлиб, XVIII аср ўрталарида у қайта таъмирланган. Муқова ҳамда саҳифаларни бир-бирига мустаҳкам бириктириш мақсадида араб тилидаги матнлар битилган қоғозлар ёпиштирилган. Уларнинг асосий қисмини бироз дағалроқ шаклда настълиқ хатида битилган Қуръон оятлари ташкил этади. Қўлёзманинг Санкт-Петербургда сақланаётган қисмида Қуръони Каримнинг 44та сураси, оятлари (шундан 22таси тўлиқ) ўрин олган.

Дастхатдаги фарқларга қараганда, бу қўлёзма иккита қотиб томонидан кўчирилган. Китоб ҳажмининг катталигини ҳисобга олсак, уни тенг иккига бўлган ҳолда кўчиришга, деб тахмин қилиш мумкин. Кейинчалик матнга қизил сиёҳлар билан тузатишлар киритилган, ўчиб кетган сўзлар ҳам худди шу рангдаги бўёқлар билан қайта тикланган.

Илмий изланишлар натижасида Ўзбекистон ва Россияда сақланаётган саҳифалар айнан битта қўлёзманинг таркибий қисмлари эканлиги, улар чиндан ҳам бундан XIII аср муқаддам кўчирилгани аниқланди. Мутахассиларнинг фикрича, бу Қуръони Каримнинг ислом оламидаги энг қадимий нусхаларидан бири ҳисобланади.

2017 йилда “Ўзбекистон мада-

ний мероси дунё тўпламларида” лойиҳаси доирасида Европа технологиялари асосида “Катта Лангар Қуръони”нинг факсимиле нусхалари яратилган. Нусхалардан бир нечтаси кўргазма доирасида Санкт-Петербург шаҳрига келтирилди. Улардан бири қўлёзманинг асл нусхаси сақланаётган Шарқ қўлёзмалари институтига совға қилинди. Шунингдек, кўргазмада “Катта Лангар Қуръони”нинг асл нусхаси саҳифалари, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Алишер Навоийнинг “Куллиёт”, “Лисонуттайр”, “Вақфия” сингари асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби шаҳарларда яратилган китобат санъатининг намуналари намойиш этилди.

Ҳозир Ўзбекистонда “Лангар Қуръони”нинг 16 варағи мавжуд, шундан 13 варағи Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида, бир варағи Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва икки варағи Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасида сақланмоқда.

Хулоса қилиш шунини айтиш мумкинки, “Катта Лангар Қуръони” Қуръони Каримнинг энг нодир нусхаларидан бири ва у Ўзбекистон тарихи қадимий қўлёзма манбаларини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Соҳиба ОЧИЛОВА,
Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номи моддий маданият тарихи музейи етакчи мутахассиси

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Солиқова
Адади: 9969 Буюртма - Г - 227
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмахонага топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00
1 2 3 4 5 6